
Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида

Туман ҳокимининг 2019 йил 16 сентябрь кунги “Мактаб ёшидаги

болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида”ги 5119-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Умумий ўрта таълимга қўйилаётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, умумий ўрта таълимнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвий алоқадорлигини таъминлаш мақсадида, Олтиариқ тумани Халқ таълими бўлимининг 2020 йил 4 июль кунги

116-сонли хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-боб 39-банди ва Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонуннинг 6,25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олтиариқ тумани Халқ таълими бўлимининг 2020 йил 4 июль кунги “Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларни ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида”ги 116-сонли мурожаати маъқуллансин.

3. Олтиариқ туманида янги 43-умумтаълим мактаби ташкил этилганлиги, ҳамда 3-ИДУМ ва 4-ИДУМ бинолари янги ҳудудга жойлашганлиги инобатга олинсин.

4. Туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш бўйича ўзгартиришлар иловадаги жадвалга мувофиқ маъқуллансин.

5. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Ф.Маҳмудов)га ва “Давр овози” газетаси (А.Хонкелдиев) мазкур қарорни тумандаги оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Исломов ҳамда туман Халқ таълими бўлими мудирини З.Латиповлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Х.Ниёзов

Туман ҳоқимиинг
“ 29 ” июль 2020 йил кунги
№ 830-сонли қарорига
илова

Олтиариқ тумани Халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларининг
1-синфига қабул бўйича мактабларга бириктирилган ҳудудларга киритилган
ўзгартиришлар

№	Муассаса номи	Ҳудуди	Бириктирилган
1.	43-мактаб	Катпут МФЙ (Эътиқод, Улуғможиона, Гулханий, Покиза, Диёнат, Маданият, Навқирон, Бинокорлар, Катпут), Янгиариқ МФЙ (Тонггули, Ватан, Меъмор, Катпут, Холиқбердиполвон)	Н.М
1.	3-ИДУМ	Жарариқ МФЙ (Нуроний, Зилол, Намуна, Чорсу, Осиё) ҳудудлари	М.Т
1.	4-ИДУМ	Ҳудудсиз	К.И

2020-08-21 17:12:14